

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Жиззах политехнека институти

МАВЗУ: Йўл чизиқлари ва уларнинг характеристикаси

РЕФЕРАТ

БАЖАРДИ:

222_12 гурух талабаси Бердимуродов. Б

ЙЎЛ ЧИЗИҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Йўлларнинг қатнов қисмida (қаттиқ қопламали) бордюрларда, йўл элеменларида йўл шароитини кўрсатувчи чизиқларни йўл белги чизиқлари деб хисобланади ва улар йўл белгилари хамда светофорлар билан биргаликда ва алохидатаска мумкин бўлади.

Йўл чизиқлари ҳаракатланишни ташкил этишда кенг қўлланиб, ҳайдовчининг асосий эҳтибори йўналтирилган жойларга чизилади. Йўл чизиқлари ётиқ ва тик чизиқ гуруҳларига бўлинади. Хар бир гурух ўз рақами билан белгиланади. Биринчи рақам гурухни (1-ётиқ ва 2-тик чизиқларни англатади), иккинчи рақам гурухдаги йўл белги чизиғининг тартибини ва учинчи рақам йўл белги чизиқнинг кўринишларини англатади.

ЁТИҚ ЧИЗИҚЛАР

Ётиқ чизиқлар бўйлама, кўндаланг ва бошқа (оролчалар, ёзувлар, йўналишлар) чизиқларга киради.

Ётиқ чизиқлар йўлнинг қатнов қисми юзасига чизилади. Бўйлама ётиқ чизиқлар ва уларнинг моҳияти жадвалда келтирилган.

БЎЙЛАМА ЧИЗИҚЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Йўл белги чизиги йўлнинг ўртасида чизилган энсиз, сидирға оқ чизиқ қарама-қарши келаётган транспорт оқимини ажратади.


1.1. Йўл белги чизиги йўлнинг хавфли жойларида, ҳаракатланиш йўлкалари ўртасида чизилган, узлуксиз оқ рангдаги сидирға чизик бўлакларнинг чегарасини билдиради.

1.1. Йўл белги чизиги расмдаги 1.16.2 ва 1.16.3 чегаралари.


Йўлнинг ҳаракатланиш тақиқланган қисмини (хавфсизлик оролчаларининг чегараси) англатади.

1.1. Йўл белги чизиги йўлнинг чеккаси ёки маҳсус майдончаларда чизилиб, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойи чегарасини билдиради.


1.1. Йўл белги чизиғи йўлнинг чеккасига чизилган энсиз сидирга оқ чизик харакатланиш қисмининг чегарасини билдиради.



1.2. Йўл белги чизиғи автомагистралларда катнов кисмининг чеккасига чизилган энли (20 см) узлуксиз сидирга чизик катнов кисмининг чегарасини билдиради.




1.3. Йўл белги чизиги йўлнинг ўртасида чизилган параллел икки сидирға оқ чизик тўрт ва ундан кўп бўлакли йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситалари оқимини ажратади.



1.4. Йўл белги чизиги йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тўсиққа (бордюрга) чизилган сариқ чизик транспорт воситаларининг бу йўл бўлагида тўхташини тақиқлайди. Белгиланган йўналишли транспорт воситаларига даҳли йўқ.



1.5. Йўл белги чизиги йўлнинг ўртасига чизилган, энсиз узук-узук ок рангдаги чизик икки ёки уч бўлакли йўлларда харакатланаётган транспорт воситалари оқимини тасмалар бўйича ажратади.




1.5. Йўл белги чизиги бир йуналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган икки ёки ундан кўп булакли йўлларда бўлакларнинг, чегарасини билдиради (оралиқ масофани чизикқа нисбати 3/1).




1.6. Йўл белги чизиғи бўлаклар чегарасида чизилган, энсиз узук-узук оқ чизик сидирға чизиққа яқинлашиш ҳақида огоҳлантиради (оралик масофани чизиққа нисбатан 1/3).



1.7. Йўл белги чизиғи чорраҳада чизилган энсиз узук-узук оралиғи киска оқ чизик чорраҳалардаги харакатланиш булакларини билдиради.



1.8. Йўл белги чизиги оддий чизикдан икки баробар энли, қисқа, узук-узук чизик тормозланиш (секинлашиш) ёки тезланиш бўллаги билан Йўлнинг асосий бўллаги ўртасидаги чегарани билдиради.




1.9. Йўл белги чизиги реверсив ҳаракатланишда қатнов қисмининг чегараси


А.Реверсив светофорлар бўлмагандан ҳайдовчининг ўнг томонидан мумкин.

Б. Реверсив светофор ёқилган бир йўналишли бўлакларни ажратаданда исталган томондан шу бўлакка кириш мумкин.


В.Реверсив светофор ўчирилган бўлса, қарама-қарши йўналишдаги транспорт оқимларининг ҳаракати бу бўлак бўйича тақиқланади.



1.10. Йўл белги чизиги сариқ. Йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тусик (бордюр) устидан чизилган узиликли сариқ чизик транспорт воситаларини йўлнинг бу бўлагида тўхтаб туришни тақиқайди. Таксометри ишлаб турган таксиларга бу белги чизикнинг даҳли йўқ.




1.11. Йўл белги чизиги сидирға чизик ёнида чизилган узук-узук чизик фақат бирор бўлакка қайта тизилишига рухсат этади.




- А.Харакат узук-узук тарафдан сидирға томонга қайта тизилиш мумкин.
- Б. Сидирға чизик томонидан эса фақат қувиб ёки четлаб ўтишни тугатаётганда мумкин бўлади.

КҮНДАЛАНГ ЧИЗИҚЛАР ТАВСИФИ.


1.12. Йўл белги чизиги "Тўхтанг" ёзуви "тўхташ" чизиги светофорнинг ва тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасида, бошқарилмайдигай чорраҳаларда, "Тўхтамасдан ўтиш тақиқланган" (2.5) белгиси олдида ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Бу чизик "тўхташ" ахборот-ишора белгиси (5.33) билан хам қўлланилиши мумкин.



1.13. Йўл белги чизиги бир қатор бўлиб терилган учбурчаклар, 1.20 битта катта учбурчак. "Йўл беринг" белгиси билан қўлланиб, кесишган йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериш зарур бўлганда, ҳайдовчи тўхташи лозим бўлган жойни кўрсатади. Иўл чеккасида ўрнатилган "Йўл беринг" белгиси кўриниши чекланган куннинг бўлакларидағи йўлларда қўлланилиши мумкин.



1.14.1-1.14.2. Йўл белги чизиги параллел чизилган кенг узлуксиз чизиклар ("зебра") пиёдаларнинг ўтиш жойини билдиради. "Пиёдалар ўтиш жойи" (5.16) ахборот-ишора белгиси билан қўлланилиши мумкин. Йулнинг бундай жойларида, ҳайдовчи шу йўналишнинг қатнов қисмida бўлган пиёдаларни ўтказиб юбориш керак (ИХК 16.).



1.14.3. Йўл белги чизиги светофор ёрдамида, тартибга солинадиган пиёдаларнинг ўтиш жойи. Светофорнинг қизил чирофи яшилга алмасиб, пиёдалар қатнов қисмини тарк этишга улгурмаган бўлса, ҳайдовчи пиёдаларнинг шу йўналиш бўйича ўтиб олишларига имкон бериши керак (ЙҲҚ. 16.3).

1.15 Йўл белги чизиги велосипед йўли кесиб ўтган жой. Бундай бошқарилмайдигин кесишмада велосипед ҳайдовчиси йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ўтказиб юборишлари керак (бу жойда имтиёз йўлдаги транспорт воситаларида бўлади).

ОРОЛЧАЛАР ТАВСИФИ

1.16.1 Йўл белги чизиги ўнг томндан харакатни давом эттиришни кўрсатувчи ва қарама- қарши йўналишларни ажратувчи оролчани беллилаш.




1.16.2 Йўл белги чизиги транспортларнинг битта харакати оқимларини иккига ажратадиган оролчани белгилаш.

1.16.3 Йўл белги чизиги транспорт оқимларининг харакатини бир йўналишга қўшиладиган жойдаги йўналтирувчи оролчани билдиради. Оролчаларнинг чегараси 1.1 чизиги билан белгиланган бўлиб, уни кесиб ўтиш ёки устига чиқиб тўхташ тақиқланади.




1.17. Йўл белги чизиги сариқ рангдаги, арасимон чизик умумфойдаланадиган транспорт воситалари ҳамда таксилариинг тўхтаб туриш бекатларини билдиради.




1.18. Йўл белги чизиги чорраҳада ва кесишмалар олдида бўлаклар буйи қатнов қисмининг юзасига чизилган йўналтиргич, мустақил равишда ёки "Бўлаклар бўйича ҳаракатланишининг йўналиши" (5.8.1-5.8.2) ахборот-ишора белгилари билан биргаликда қўлланиб, транспорт воситаларига бўлаклар бўйича руҳсат этилган йўналишни кўрсатади.




1.19. Йўл белги чизиғи 45° бурчак остида чизилган йуналтиргич, йул кисмининг тор жойига яқинлашганлик хакида огохлантириб, алоҳида ёки “йўлнинг торайиши” (1.18.1-1.18.3) белгилари билан бирга қўлланилади.




1.20 Йўл белги чизиғи кўндаланг 1.13 йўл белги чизиғига яқинлашашни белгилайди.



1.21 Йўл белги чизиги тўхташ қўндаланг 1.12 йўл белги чизиги жойи олдида 2.5 йўл белгиси билан биргаликда белгиланади.



1.22 Йўл белги чизиги сон билан ёнма-ён ёзилган харф йўл харакатланиш йўналишида йўлнинг тартиб ракамларини кўрсатади.



1.23. Йўлнинг фақат белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун ажртилган бўлагини билдириб, (5.9:5.10.1) ахборот-ишора белгилари билан қўлланилади. Бу бўлак сидирға чизик билан ажратилмаган такдирда, ҳайдовчилар ўнгга бурилиш, йўловчиларни чиқариш, тушириш учун бу бўлакка киришлари мумкин (Й.Х.Қ. 21.2).



ТИК ЧИЗИҚЛАР

Тик чизиқлар йўл иншоотларини ва жиҳозлари юзларига кетма-кет чизилган йўл-йўл, оқ-қора чизиқлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларнинг ўлчамларини кўрсатишда, кўз билан чамалаш воситаси сифатида хизмат қиласди.

Осмон булат, кул ранг бўлганда, қоронги вақтларда йўлнинг ёритилмаган қисмларида йўл ёқасидаги тик бетон иншоотларининг ранги осмон ва йўлнинг ранги билан жуда ўхшаб кетади ва ҳаракатдаги ҳайдовчи уларни фарқлай олмай, бетон иншоотларини кўрмай қолади. Бу ҳол ҳайдовчини бетон иншоотларга урилиб кетишига олиб келади.

2.1- Йўл белги чизиқлар кўприклар, осма йўллар устунлари юзасига чизилиб ҳаракатланаётган транспорт воситаси ҳайдовчисига йўлдаги хавф соловчи тўсиқнинг рангини кескин ажратиб, кўринишини осонлаштиради.




2.2- Йўл белги чизиклар тонеллар, кўприклар, осма йўллар ва кўприкларни пастки қирраларига чизилган оқ-қора рангли чизма ҳайдовчига иншоотнинг пастки қисмини фарқлашини осонлаштиради.



2.3- Йўл белги чизиклар ажратиш бўлакларидағи ёки «хавфсизлик оролчалари» даги думалоқ устунларни билдиради.



2.4- Йўл белги чизиқларни йўналтирувчи бетон ёки темир-бетон устунлар, тўсиқ тиргаклар ва қозикларни билдириб, қоронғи вактда, қуюқ туманда, ҳамма жой оппоқ қор билан қопланганда йўлнинг троекториясини ўзининг кескин фарқланадиган оқ-қора ранги билан аниқ кўрсатади.



2.5- Йўл белги чизиқлар йўлнинг кичик радиусли бурулишлари, тик нишабликлари ва бошқа хавфли жойларида йўл четига ўрнатилган тўсиқларнинг ён юзларини билдиради.

2.6- Йўл белги чизиқлар бошқа жойлардаги тўсиқларнинг ён юзларини билдиради.



2.7- Йўл белги чизиклар йўлнинг хавфли жойларида унинг четидаги тўсиқни (бордюрни) ва йўл сатҳидан баланд бўлган «хавфсизлик оролчалари»ни кўрсатади.

